



## ЕР ЮЗИНИНГ САЙҚАЛИ ёки мақолага сиғмаган Самарқанд



2-, 3-саҳифаларда ўқинг...

## БУГУН ҲАР СОҲАДА ҚАРАШЛАРИМИЗ ВА РАКУРСЛАРИМИЗНИ ЎЗГАРТИРАДИГАН ВАҚТ КЕЛДИ

Ўзбекистон Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касба уюшмасининг II қурултойи бўлиб ўтди

Бугун барча соҳаларда ўзига хос ривожланиш, яқдил ёндашув, аҳоли розилиги йўлида тинимсиз изланишлар талаб этилмоқда. Айниқса, энергоресурсларга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳар қачонгиданда юқори. Уларнинг кадр-қиммати ҳам кун сайин ошиб бормоқда. Бу, табиийки, қарашларимиз ва ракурсларимизни шунга мос равишда ўзгартирадиган вақт келганини кўрсатади.

Ўзбекистон Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касба уюшмасининг II қурултойида 5 йиллик фаолият таҳлилига назар солар эканмиз, бунга яна бир қарра амин бўлдик.

Ҳўш, ўтган вақт ичида нималарга эришилди? У қувонишга ва ижобий хулоса чиқаришга арзийдимми? Масъуллар ҳисоботлари, тadbир қатнашчиларининг фикр-мулоҳазалари бу саволларга жавоб олишга имкон берди.

Дастлаб энергетика вазири Жўрабек Мирзамаҳмудов, тоғ-кон саноати ва геология вазири Бобир Исламов соҳадаги бугунги ўзгаришлар, меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ишчи-ҳодимларга яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар ҳусусида сўз юритишди.

– Ҳар қандай самарали меҳнат инсон ҳаётининг асосий мазмуни, – деди Жўрабек Мирзамаҳмудов. – Шу боис меҳнатга яраша маош тўлаш, қулай шарт-шароитлар яратиш бизнинг вазифамиз. Охириги йилларда соҳада ойлик иш ҳақлари сезиларли даражада ошди. «Бир мурожаат – натижа» лойиҳаси доирасида 599 нафар ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланиб, уларга иш ҳақлари тўлиқ ундириб берилди. Албатта, бу борада касба уюшмаларининг ўрни, кўмаги муҳим ўрин тутганини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, вазири соҳада гендер тенглиги ва хотин-қизлар масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини, масъул лавозимларда уларнинг сони ортиб бораётганини қайд этди. Ёшларга берилган имкониятлар, тизимдаги имтиёзлар ҳусусида ҳам маълумот берди. Қурултой ишида ташкилотчиларга омад тилади.

Тоғ-кон саноати ва геология вазири Бобир Исламов соҳада ҳар йили маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 30 фоизгача ортиб бораётганини, бунда 120 минг нафардан



ортиқ ходимнинг хизматлари катта бўлганини эътироф этди. 2030 йилгача соҳа олдида турган марралар янада юқори. Бу, албатта, яхши муҳитни, малакали кадрларни талаб этади. Бу жараёнларда касба уюшмалари билан ҳамкорликда ишлаш жуда муҳим, дея таъкидлади у.

Шундан сўнг Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг 5 йиллик фаолияти ҳақида Шухрат Қурбоновнинг ҳисоботи тингланди.

Маълумотга кўра, тармоқ касба уюшмаси тизимида 9 та бирлашган ва 318 та бошланғич ташкилот фаолият юритади. Уларга 198 мингдан ортиқ аъзо бирлашган. Ҳисобот даврида аъзолар сонини қўпайтиришга жиддий эътибор қаратилди. 66 та



корхона ва ташкилотдаги 41 минг 313 нафар ходим касба уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, соғломлаштириш, моддий қўлаб-қувватлаш, қулай иш шaroитларини яратиш масалалари доимо эътиборда бўлди.

Бултур тармоқ корхоналарида 92 минг нафардан ортиқ ходимга қўшимча таътиллр белгиланган бўлса, ижтимоий таътиллрдан 7 мингга яқин ишчи фойдаланди. Корхона ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан 5 мингдан зиёд ходимлар ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштирилди.

Ишчиларнинг меҳнат муҳофазасида мурожаатлар билан ишлаш жуда қўл ке-

лади. Тармоқ касба уюшмаси Республика кенгашига фуқаролардан турли масалаларга оид 599 та, 197 та ёзма, 54 та оғзаки, 200 та электрон ва 148 та «Ишонч телефони» орқали мурожаат келиб тушди. Уларнинг барчаси ўрнатилган тартиб ва белгиланган муддатларда ўрганиб чиқилиб, қаноатлантирилди. 221 таси бўйича тушунтириш ва ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Ҳисоботлар бир овоздан маъқуллангач, кун тартибидаги навбатдаги масала кўриб чиқилди. Унга кўра, Ўзбекистон энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ва ўринбосарлигига номзодлар кўрсатилиб, муқобиллик асосида ўтган сайлов натижаларига кўра, Шухрат



Қурбонов раисликка қайта сайланди. Саидмурод Тўхтаев, Ойбек Исмоилов раис ўринбосарлигига сайланишди.

Шунингдек, кенгаш таркиби, тафтиш комиссияси таркиби ва раиси ҳамда касба уюшмалари Федерациясининг IX Қурултойига делегатлар, Федерация Бош кенгаши аъзолигига ҳам вакиллар сайланди.

Қурултойда тармоқ касба уюшмаларининг хоржилик дўстлари томонидан юборилган видеотабриклар, кенгаш фаолиятига бағишланган видеоролик намойиш этилди.

Гулрухбегим ОДАШБОВА,  
Эъзоа УМУРЗОҚОВА,  
«Ishonch» мухбирлари

1 Иш ҳақи ва стипендиялар миқдори 10 фоизга оширилади

2 Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – ойига 1 271 000 сўм, базавий ҳисоблаш миқдори – 412 000 сўм этиб белгиланди.

3 Электр учун тўловлар чиқинди хизмати тўловига боғланади

4 Чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича қарздорлик тўғрисидаги маълумотлар ҳар ойнинг 3 санасига қадар ҲЭТга тақдим этилади. Хабарнома юборилгандан сўнг 5 кун ичида қарз тўланмаса, электр энергияси учун тўлов блокланади.

5 Давлат органлари ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиб қилинади

6 Барча давлат органлари ва ташкилотларида ҳар иш кунда жисмоний тарбия тадбирлари ўтказилиши бошланади.

7 Шунингдек, ходимларнинг тана вазири индекси мунтазам ўлчаб борилади. Маълумотлар htm.args.uz платформасида доимий равишда эълон қилиб борилади.

8 Баъзи оилаларга боғча тўлови компенсация қилинмоқда

9 Айрим тоифадаги оилалар фарзандларини қабул қилган оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига ушбу болалар таъминоти учун ота-оналар тўловининг 40 фоизи давлат бюджетидан қўлаб берилади.

10 Ер қаъридан фойдаланиш қондаларини бузганлар ҳақида хабар берганларга пул мукофоти тўланади

11 Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги фото ва видео материалларни юборган шахсларга қуйидагилар тўланади:

12 кенг очик майдонда фойдаланиш қазилмаларни ноқонуний қазиб олганлик ёки ташкилотлар учун – БҲМнинг 1 баравари миқдориди;

13 фойдаланиш қазилмаларни қазиб олиш, минерал хомашёни қайта ишлаш соҳасидаги бошқа ҳуқуқбузарликлар учун – ҳуқуқбузардан ундирилган жарима суммасининг 5 фоизи.

14 Портловчи моддалар билан ишлаш учун лицензия ФВВ билан келишилган ҳолда берилди

15 Портловчи ва заҳарли моддалар билан боғлиқ фаолият учун лицензия беришда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси билан келишиш тартиби бекор қилиниб, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишиш тартиби жорий этилади.

16 Озиқ-овқат маҳсулотлари учун стандартлар мажбурий бўлмайди

17 Бунинг ўрнига Алиментариус кодекси стандартлари асосида устувор озиқ-овқат маҳсулотлари учун санитария қондалари, меъёрлари ва гигиена нормативларига амал қилиш зарур.



■ **ЁЗ – ЎТМОҚДА СОЗ**

**БУ МАКТУБИ ЕРГА ТАНГАДЕК ОФТОБ ТУШМАЙДИГАН,  
ҚАЛИН ДАРАХТЗОРЛАР БИЛАН ҚОПЛАНГАН  
БАҲАВО МАСКАНДА ЎТИРИБ ЁЗЯПМАН...**

**«СИРДАРЁ»  
ОРОМГОҲИДАН МАКТУБ**



«Бепул йўлланма билан Сирдарёдаги оромгоҳга борасизлар», дейишганида қувонганимизни кўрсангиз эди. Бизга ҳамроҳ бўлган тарбиячи-мураббийларимиз йўл-йўлакай бу маскан ҳақида гапириб бердилар. Айтишларича, оромгоҳ дарё бўйида, ўрмон бағрида жойлашган, барча шароитларга эга замонавий, янги экан. Яна шун билдики, Президентимиз ташаббуси билан 2022 йилда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида республикамизнинг барча вилоятлари Қорақалпоғистондаги туманларга, жумладан, Сирдарё вилояти бизнинг Қонлиқўл туманига бириктирилган. У ўз таърибаси асосида туманимизнинг янада ривожланишига кўмаклашмоқда. Шу мақсадда қатор лойиҳалар ишлаб чиқилган. 52 нафар ўғил-қизнинг «Сирдарё» бола-ларни соғломлаштириш оромгоҳига келиши ҳам ана шу лойиҳа доирасида амалга оширилаётган экан.

Сирдарёликларнинг овулимиздаги бунёдкорлик ишларидан, аҳолига кўрсатаётган ёрдамидан жуда хурсандим, – дейди муаллимимиз, туманимиздаги 2-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилбар Боуенова. – Мен шу ёшгача бундай кенг кўламли ишларни кўрмагандим. Бу, аввало, Президентимизнинг қорақалпоқ элига бўлган эътибори, ғамхўрлиги, қолаверса, ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг азалий дўстлиги натижасидир. Худди шу ишларнинг узвий давоми сифатида «Маданият» маҳалласида икки халқнинг тарихий оруз-интилишларини ўзига уйғунлаштирган, қурилиш архитектураси жиҳатидан замонавий ва миллий меъморий ечимга эга «Сайхун ва Жайхун» маънавият ва маърифат маскани бунёд этилди.

Йўл-йўлакай шу баки кўплаб маълумотларга эга бўлдик. Гулистонда бази карнай-сурнайлар, нон-туз билан тантанали кутиб олишди. Сўнг оромгоҳга йўл олдик. Тўғриси, кўпчилигимиз ўз овулимиздан, туманимиздан четга чиқмаганимиз. Дарё бўйидаги баҳаво, сўлим масканда маза қилиб дам оляпмиз. Уйқудан турғач, жисмоний машқ қилиш кундалик одатимизга айланди.

Бош ошпаз Маҳмуд Аҳмедов бошчилигида тайёрланаётган тотли, фойдални нонушадан сўнг қизиқарли машғулотларга шўнғиймиз. Менга кутубхона, бассейн, спорт майдончалари, турли тўғараклар, дўстлик ва қизиқарли дам олиш муҳитини яратиб берувчи дастурлар жуда ёқди. Биргина кутубхонанинг ўзи 3 мингга яқин янги ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари билан бойитилган. «Ёшлар театри» клуби, QVZ жамоаси, ёш ошпазлар клублари, фан йўналишлари бўйича дарс ва тўғарак машғулотлари, маҳорат дарслари, фан кечалари, турли мусобақа, викториналар – ҳаммаси биз учун қизиқарли. Мен кўпроқ «Қўм майдончалари»да бўламан. У ерда ўз тасаввурларини бойитаман, «Караоке»да эса ўзимни санъат юлдузидай ҳис этаман, руҳан юксаламан. Сузish ҳавасида чўмилибгина қолмай, ўзаро мусобақалашамиз, танимиз яйраб, чиниқамиз.

Оромгоҳда жуда кўп дўстлар орттирдим. Ўзбек дўстларимни овулимизга таклиф этдим. Бу ерда хизмат қилаётган ҳар бир киши кўнглимизга яқин бўлиб қолди. Катта тарбиячи Асадбек Хатамов, тарбиячилар Элёр Жўраев, Достонбек Абдухамидов, етакчи Муяссар Мамарасулованинг бизга эътибори ва меҳридан мамнундим. Улардан машғулотлар жараёнида жуда кўп янги фазилатларни ўргандик. Шифокор Жалолдин Каримов эса доимо бизга шахсий гигиенага қаттиқ риоя қилиш, озода ва тартибли бўлиш, жисмоний тарбия билан шўғулланиш саломатлик учун қанчалар муҳимлигини ўқитиб келди.

Мен бир нарсани тушуниб етдим: давлатимиз томонидан бизга шунчалик ғамхўрлик кўрсатилган экан, яхши ўқиб, илм олиб, юртимиз корига ярайдиган ёшлар бўлишимиз керак. Ишонаманки, мен билан бирга келган 52 нафар қорақалпоқ ўғил-қизининг ҳам кўнглидан худди шундай фикрлар ўтган.

Қорақалпоғистон Республикасидаги Қонлиқўл тумани болалари номидан «Сирдарё» оромгоҳидаги унутилмас кунлар учун Ўзбекистон касасабу уюшмалари Сирдарё вилояти кенгашига миннатдорчилик билдираман. Ҳаммаси учун раҳмат! Биз бу оромгоҳни соғиниб қоламиз.

**Абдисамат АЙМУРАТОВ**



**Абдусайд КҶЧИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати аъзоси,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган ёшлар  
мураббийси**



# ЕР ЮЗВИНИНГ

## ёки мақолага

**1**  
Отам оддий колхозчи, аммо ғурури баланд киши эди. Қишлоқ ва қишлоқдошлар шаъни учун қай-ғуришни ўзи учун шарафли бурч, деб ҳисоблар ва мавриди келганда бошқаларнинг ҳавасини келтириш мақсадида озгина лоф ҳам қўшиб юборарди. Қиш кунларининг бирида ҳамқишлоқлар от-эшақлар билан туманнинг нариги томонидаги овулга тўйга боришарди.

– Қишлоғимизда мактаб қурилди! – дея мактандаги суҳбатлашиб ўтиришганида мезбонларнинг «оғзи каттаси». – Энди зўр «кулул» қураимиз...  
– Э-э, кейинда қопкетипсилар-ку! – дарров жавоб қайтарди отам. – Анча бўлди бизни қишлоққа поезд келганига!

Мезбонлар тугул, ҳамқишлоқларимиз ҳам ер остидан бир-бирига маъноли қараб олишарди, аммо сир беришарди.

– Кучимбой, лоф ҳам эви билан-да, – дейди қайтишаётганда Мустафоқул бобо. – Кучангизда эшақарава зўрга юради-ю, поезд дейсиз-а-а?

– Молхонадаги темир излар поезд йўли бўлмай, нима? – бўш келмайди отам. – Дунё беҳабарсиз-да, Мустафоқул...

Бу жавобдан роҳатланган ҳамқишлоқлар кула-кула, эшақка хала босадилар.

Дарҳақиқат, чўпон-чўлиқларга осон бўлсин учун ўша пайтда молхонадан чуқургача 25-30 метрча узунликда темир излар ётқизилган эди...

Утган асрнинг 60-йилларидаги гаплар бу. Қанча сувлар оқиб кетди ундан сўнг. Замонлар ўзгарди, советлар даври тугади, мустақил бўлдик. Аммо бундан атиги ўн йил аввал ҳам бу гапларга ҳеч ким ишонмас, тушинмас сувга айт, деб масхара қилишарди. Қалови топилса, халқ қалқса, асрларга татиғулик ишлар бўлиши мумкин экан ўн эмас, икки-уч йилда ҳам. Ургут темир йўли бунга ёрқин мисолдир. Йўл Ўзбекистон Президенти 2023 йил 10 октябрда имзоланган қарордан кейин режалаштирилди. 2025 йилнинг 27 май кунини ўтказилган тақдиротда эса давлатимиз раҳбарига мазкур йўлнинг 7 километрга темир излар ётқизилгани тўғрисида ахборот берилди. Одамларнинг кўз ўнгида эртақлар чинга, афсоналар ҳақиқатга айлана бошлади.

54,5 километр узунликдаги темир йўл икки йилга етар-етмай тикланди ҳисоб.

54,5 километри От-арава ёки машина йўли эмас – темир йўл. Яна қаерда? Мамлакатимизнинг Тожикистон билан чегарадош сарҳадларида!

Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги «MAN» заводи яқинидан бошланган темир излар 4Р – 238 автомобиль йўлини кесиб ўтиб, Зарафшон ёқалаб, Жомбой, Самарқанд, Тойлоқ туманлари оралаб, дарё кўпригидан ҳатлаб, Ургутга етди. Йўл утган овулларда бекатлар ташкил этилди, 2 та замонавий вокзал, Ургут шаҳри ва «Ургут» иқтисодий зонасида 2 та юк станцияси, ижтима темир-бетон кўприк барпо қилинди. Ургутнинг Тожикистон билан чегарадош «Жартепа» чегара божхона пости яқинида қурилаётган бекат ҳадемай тожикистонлик биродарларимизга юртимиз бўйлаб темир йўл орқали саёҳат қилиш имконини беради.

Темир йўл ишга тушгач, унинг логистик имкониятлари ҳам одамнинг ҳавасини келтиради. Биринчидан, маҳсулот ташиш харажатлари арзонлашади. Шу пайтгача маҳсулотини машиналарда олиб келиб, Самарқанддан юк поездларига ортиган тадбиркорлар энди бу ноқулайликдан қутулиб, маҳсулотини даланинг ўзида ёки корхона остонасида туриб вагонларга жойлаштиради. Иккинчидан, ҳар кунги олти минг йўловчи, тўрт минг тоннага яқин ташиш имкони пайдо бўлади. Учинчидан, аҳолининг узоғи яқин бўлади, сайёҳлик дарвозалари катта очилди.

Темир йўл атрофларини обод этишда тадбиркорлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Биргина тадбиркор Анвар Темировнинг ўзи беш гектар майдонда гўзал мажмуа қураётди. Унда замонавий темир йўл ва автовокзал, IT парк, 200 ўринли меҳмонхона, 300 ўринли хусусий мактаб, 200 ўринли мактабгача таълим муассасаси, оилавий поликлиника, бир нечта кўп қаватли тураржой бинолари бор.

**2**  
Бу Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан бир шингил, холос. Ҳаммасини таърифлаш учун эса, шойрона тилда айтганда, юзта Фирдавсий керак. Қўтлуғ бу заминга қадам қўйган киши, бир эмас, ўн эмас, юзлаб муҳташам ўзгаришларнинг гувоҳи бўлади: ҳар қадамда раво кўчалар, уйлар, корхоналар, боғлар, хиёбонлар... ва... ва ҳаммасидан қувончлиси, одамларнинг юз-кўзларидидаги маънавий секинлик, шижоатлар, ўзига, эртасига мустаҳкам ишонч, яшаш иштиёқи, ҳаётга муҳаббатнинг порлоқ шўълалари...

Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда Самарқандда юз бераётган катта эврилишлар ҳар қандай одамнинг кўксини Ургут тоғлари қадар юксалтириб юборади.

Ҳар қўкат ўз суйган тупроғини, ҳар тойчоқ ўзи сув ичган булогини мактайтиди, дейдилар. Мен эса, самарқандлик бўлганим учунгина ардоқли кўргонимга зиёда таъриф бераётганим йўқ. Қолаверса, Самарқанд ундай мақтовларга муҳтож ҳам эмас. Мен, эси кирганидан буён содир бўлаётган янгиликларни баҳоли қудрат

кузатиб келаётганларнинг бири сифатида дилмдагиларни тилга оляпман, холос. Эсимни таний бошлаганимга эса, мана, Худойимга шукрлар бўлсинки, етмиш йилдан ошди. Шўро замони, мустақиллик, ундан кейинги йиллар – ҳаммаси кўп қисмли кинодек тизилишиб турибди кўзим олдида. Бу кинога нигоҳ ташлағудай бўлсам, бирда этим увишади, бирда мунаввар қувончларга, муаттар уйларга чўмаман. Эслаганда, эт увишадиган болалик, муздай сув-лойга ботиб, тамаки экишлар, сўфи азон айтмай кўзларни ишқалаб даштга жўнашлар, тухум пишадиган ёз жазирасида эшақларни моташтириб сомон янчишлар, томчилар чақиллаб турган зах синфхоналарда йиртиқ чопонларга бурканиб дарсада ўқитишлар... Майли, у замонлар описларда қолди, ўтган ишга саловат. Лекин яқинларда ҳам шундай аянчли кўринишлар бор эдики, эсласанг, этинг увишиб, ваража кўзийди вужудингда. Масалан, йўл азоблари.

Эътибор қилинг, Тошкент – Термиз катта трассасидан Ургут шаҳарчасигача 15 километр ёқ қиқади, ё йўқ. Аммо Тошкентдан Самарқандгача бир азоб бўлса, мана шу 15 қақирим – ўн эмас, юз эмас, минг азоб эди! Бир қарич текис жой йўқ, тўрт тараф мисоли шудгор, машина тугул, тракторниям «ичи тушиб» кетарди «тухум қароқча» дейилмиш уйдим-чуқур кўчадан ўтгунча. 20-30 йил эмас, 8-9 йил аввалги аҳвол бу.

Энди-чи? Энди автоавариялар, қойдабузарликлар кўпайиб кетганидан, бир неча жойга йўлчўр – сферторлар урнатилиб, тезликка чекловлар белгиланди. Йўл ойнадек бўлгач, ҳайдовчи деганнинг завқи тошиб, гаули босгиси келиб кетар экан-да!

Ҳа, 8-9 йил орасида неча замонлар тизза бўйи чанг-лойга беланиб ётган илон ўтмас кўчалар текисланди, асфальтланди, чирой очди. Бўсагага қадам қўйсанг, бошинг «так» этиб эшик пештоқига уриладиган етим уйлар ўрнида серқаваб, серсаваб иморатлар қурилди. Дайди шамол шувўқларни колтоқдай думалатиб юрган даштларда 9-12 қаватли бинолардан иборат янги шаҳар пайдо бўлди. «Маҳаллада дув-дув гап» киносидаги фариштачеҳра момоларга ўхшаш бувиларимиз бекатдан уйлар пешайвонида елпиниб ўтиришди – сурайё хаёларин оғушида ҳукуматга дуолар айтиб.

Гап Ургутдан бошлангани учун, келинг, туман қиёфасига доир айрим чизиларга нигоҳ ташлайлик. Бундан 15-20 йил бурун бу маконда тамаки заводидан бўлак саноатга дохил тилга олгулик корхонани учратиш аңқонинг уруғи эди. Уям номига тамакинни чала-чўлла ферментация қиларди, холос. Тугма топсанг, игна, игна топсанг, тугма қидирардинг.

Энди-чи? Айтсам, элдан узоқ айрим «оға»лар, «Эҳ-ҳе, Ургут жаннатга айланиб кетган экану, беҳабар қолибмиз-да», дея муғомбирона меровсирашлари мумкин. Ношукур дейимизи, худбинми, ишқилиб, мазкур тўдага мансублар ҳамиша, ҳамма замонларда бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Қолаверса, нуфузи 40 миллионга яқинлашган мамлакатда икки-учта ҳасадгўйнинг учраб туриши ҳам табиий-да. Бундан фожиа яшаш ёхуд ташвишга тушишга ҳожат йўқ. Боболаримиз айтганлар-ку, ҳар инсоннинг дусту душмани, ҳар ўлканинг гулу тикани бўлади, деб. Демак, ютқулариндан боши осмонга етгувчилар қаторида аламаздларнинг бўлиши, боғинида унган ҳар гул уларнинг баданига тикандай қадалиши ҳам янгилик эмас. Ёмон балик сув лойқалатади, ёмон мўридан аччиқ тугун қиқади, виждонсиз кимса эса маҳалла булогини булғамоқчи бўлади. Аммо билмайдики, эт воқулагани билан тоғ қуламайди, бир кесак билан дарёни лойқалатиш мумкин эмас.

Хуллас, тузининг еб, тузулгунинга тупругувчиларга Худойимдан инсоф сўраб, уларга боболаримизнинг «Тикан бўлиб оёққа қадалатган, гул бўлиб қўракка санчил» деган насиҳатини эслатамиз, яна Ургутга қайта-миз.

Биттагина «Ургут» эркин иқтисодий зонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ўзи ҳар қандай кишини ҳайратга солади.

Уёғини сўрасангиз, «Ургут» эркин иқтисодий зонаси деган гап бундан 7-8 йил аввал бир одамнинг тушида ҳам йўқ эди. Илк бор Президент Шавкат Мирзиёев томонидан истеъмолга киритилди шукҳули бу ибора. 2017 йил 12 январда давлатимиз раҳбарининг Ургут бўйича махсус фармони қабул қилинди-ю, том маънода янги давр, янги ҳаёт бошланиб кетди қадим заминда. Шу ўринда, кимдир билиб, кимдир билмайди-ган бир рақамни эслатай: Ургут мамлакатимиз қишлоқ туманлари ичида нуфузи баландлиги жиҳатидан қарвонбoshi ҳисобланади – аҳолиси 600 мингга яқин. 600 минг! Бу Тинч океани жанубидаги Тонга деган мамлакат аҳолисидан беш баробар кўп, деганидир. Ер майдони эса дўппидайгина. Шуниням ярми тоғ-у, ярми тош-лоқ, Осонми бундай шароитда 600 минг жоннинг тир-кичлик қилмоғи? Аммо, меҳнат қанча оғир бўлса, нони шунча ширин бўлади; меҳнат ҳам эгиз-эгиз, давлат ҳам эгиз-эгиз; меҳнат қилсанг, яшарсан, катта-катта ошарсан, дейилмиш шарқона ҳикматлар қанчалар мукамал эканини кўрмоқчи бўлсангиз, Ургутга боринг. Ишининг кўзини толган, меҳнатда тобланган, меҳнатда синалган, меҳнат билан тошда гул ундираётган одамларни кўрасиз, қўриб ҳайратларга кўмиласиз. Меҳнат-

нинг таги роҳат, эканига имон келтирасиз. Меҳнатсиз бахт келмаслиги-ю, меҳнат қилган одамларнинг тоғдек кўкрак кериб юришларига дил-дилдан ҳавасингиз келади.

Энди айрим рақамларга мурожаат қиламиз. Тўғри, рақамлар гоҳида зерикарли туюлади. Ваҳоланки, рақам – бу фарқ пийшан шигил-шигил мевалари кўзни қамаштиргувчи мевазор боғ. Рақамлар тиссолидаги мўл ҳосил лаззати дилларни яйратади. Президентимизнинг юқорида номи тилга олинган фармонидан кейин икки-уч йил ичида «Ургут» эркин иқтисодий зонасида қиймати 402 миллион доллардан зиёд 84 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилгани, 313 миллион долларлик 55 та лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш бошлангани, 4,5 мингдан зиёд киши иш билан таъминлангани каби шоеъ воқеалар шавқини рақамларсиз ёфдалаб бўладими? Ёки бу ерда ташкил этилган корхоналар томонидан газ плиталаридан энгил саноат ва чарм-пойабзал товарларига-чи, гиламлар, гигиена воситаларидан электр техникаси буюмлари сингари 220 турдаги маҳсулотларга ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани-ю, фақат 2020 йилнинг ўзида 1,2 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 30 миллион долларлик қисми экспорт қилинган-чи?

Боғ жамоли боғбондан, ғозлар йўлбошчисиз учмайди, деганлари шу эмасми? Эл оғаси элни уйлайди, элга суянади, элим дейди. Эл кучи эса сел кучи. Туну кун элим, халқим, ватаним деб кунюнган Президент Самарқандга қилган ташрифи чоғида қайта-қайта Ургутда бўлди. Эркин иқтисодий зонада бажарилаётган ишларни таҳлил қилди, тавсиялар берди, йўл-йўриқлар кўрсатди.

Шу кунларда умумий ер майдони 1559,3 гектар бўлган мазкур манзилда умумий қиймати 1540,6 миллион долларлик 162 та лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Режага кўра, 12 617 та янги иш ўрни яратилиши керак.

Лойиҳаларнинг 41 таси энгил саноат, 12 таси чарм-пойабзал, 22 таси қурилиш материаллари, 31 таси озиқ-овқат, 16 таси кимё, 4 таси фармацевтика, 16 таси электротехника саноати йўналишидадир.

Ҳозирчага 700 миллион долларлик 84 та лойиҳа ишга туширилиб, 6 618 та янги иш ўрни яратилди.

Яна 78 та лойиҳада қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда. Қиймати 840,7 миллион долларга тенг бўлган мазкур лойиҳалар охирига етказилганидан кейин 5934 та янги иш ўрни пайдо бўлади.

Тўғри, Ургут жаннатга айланиб кетгани йўқ. Ечимини кутиб турган масалалар, йиллар давомида жавобсиз қолган саволлар эс эмас. Таъмирталаб қўчалар, мактаблар, боғчалар, сув, газ, электр токи билан боғлиқ муаммолар, катта йўлдаги суноъй тўсиқлар, баъзиларнинг «мендан кетгунча...» қабилидаги иш йўсинлари. Масалан, эркин иқтисодий зонада қурилган кўпқаватли уйларнинг канализация тизимидаги носозликлар қанча одамларнинг дилини хуфтон қилди. Хали асфальт тугул, шағал ётқизилмаган ички йўллар ҳам эс эмас. Аммо юз йиллар давомида сўлиб-сўлимай, қувраб-қувролмаётган асосатда қолган боғларнинг гулларга буркана-ётгани, райхонлар ҳидига кўмилиб бораётгани бор гап. Бор ҳақиқатларнинг яна бири шуки, жиндай лофи билан айтганда, Ургутда, одамнинг жонидан бўлак ҳамма нарса ишлаб чиқариляпти. 8-9 йил ичида эришилди шуларнинг ҳаммасига. «Поезд келди ми – келди. Энди аэропорт қурилади!» деган шов-шувлар юрибди Ургутда. Чунки мана бундай бир латифа ҳам бор-да.

Аллақайси узоқ-яқин замонда турт ургутлик Ойга борибди. Майиз-ёнгонини сотиб, бозор-учарини битириб, аэропортга келиб, Москвага чипта сўрабди, баҳона-ю сабаб Масковиниям бор қўриб кетайлик, деб. Чипта йўқ. Ленинградга сўрашибди. Йўқ. Киев, Минск, Тошкент, хуллас, собиқ шўро худудидаги катта шаҳарларнинг ҳеч бирига чипта топилмабди. Самарқандга борми, дейишар экан. «Самарқанд, о, Амир Темир!» – ҳаяжонланиб кетибди кассир опа. «Но-но, Самарқандга самолёт учмайди», дебди кейин. Ундай бўлса, Ургутга тўртта билет беринг, дебди йигитларнинг бири. Шунда кассир опа, Верхний Чинарғами, Нижний Чинарғами, дермиш... Ваҳоланки, ойдаги кассир опа тилга олган Верхний Чинар билан Нижний Чинар дейилгучи манзил ораси аслида 4-5 километрдан ошмайди. Шўгина жойда десангиз, бир эмас, иккита аэропорт бор эмиш-да!..

Лекин кўрасиз, ҳадемай бу латифаам ҳақиқатга айланади!

**3**  
Гап аэропортга етгани боис, Самарқанднинг ҳаво дарвозаси – Самарқанд аэропортининг қайта тугилиши ҳақида гапирмаслик мумкин эмас. 1967 йилда қурилган аэропорт замонадан жуда орқада қолиб кетгани аён ҳақиқат эди.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилги ташрифи чоғида бу манзилни тамомила бошқатдан қуриш ҳақида кўрсатма берди.

Янги аэропорт аллома бобомиз Мирзо Улуғбекнинг «Зижи жадиди Қўрагоний» китоби шаклида барпо этилди. Бинонинг баландидаги 25, эни 175 метр. У замонавий терминал, учиш-қўниш йўлаги, тураргоҳ ва бошқа объектларга эга.

■ ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ...



# САЙҚАЛИ

## СИВМАГАН Самарқанд

Авваллари кунига 400 йўловчига хизмат кўрсатган аэропорт эндиликда 800 нафар йўловчига хизмат кўрсатадиган ортиқ йўловчи хизмат кўрсатди, бу 2023 йилдаги кўрсаткичдан 37 фоиз кўндр.

Мазкур аэропорт 2024 йилнинг ўзига 1,38 миллиондан ортиқ йўловчи хизмат кўрсатди, бу 2023 йилдаги кўрсаткичдан 37 фоиз кўндр.

Бугун Самарқанд заминининг ҳамма қишлоғу кентларида бир-биридан обод манзиллар кўпайгандан-кўпайиб бормоқда. Сулув манзараларни кўрмоқ учун Зарафшон дарёсининг Равотхўжа кўприги орқали Ургутдан шундоқ Булунгур ёки Жомбойга ўтиб, атрофга бир таважжўх этмоқ кифо. Жомбой заводидан чиқаётган автомобиллар, Булунгур туманида етиштирилаётган мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш йўлга қўйилгани ёки Самарқанд туманининг «Қорасур» массивида янги шаҳарча пайдо бўлгани кимни севинтирмайди, дейсиз. Янги шаҳарча-нинг биринчи гишти 2018 йили қўйилди. Туманининг 50 гектар ер майдони Самарқанд шаҳрига ўтказилиб, кўп қаватли уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектлари бунёд этиш режаси тузилди. Ва ҳадемай бу ерда 184 та 7, 12, 14, 15, 16 қаватли ва 2 та 25 қаватли уй қад ростлади.

Мазкур тураржойларнинг фасади уч қаватли қопламдан иборат бўлиб, бу хонадонларнинг қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди.

Массивда 2340 уринли 2 та мактаб фаолият кўрсатмоқда. 1600 ўринли яна битта мактаб яқинда ишга тушади. 800 ўринли 22 та оилавий боғча, 450 ўринли 2 та давлат боғчаси, 1 та оилавий поликлиника, 1 та туғуруқхона, 2 та хусусий клиника, 2 та банк шохобчаси, 1 та футбол академияси аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Яна 1500 ўринли 5 та боғча, 32 гектар майдонда истироҳат боғи, 6 та соғломлаштириш маркази, 2 та ўйингоҳ, 14 та кўнгилочар маскан қурилади.

Кейинги йилларда дунёга келган шохона қўрғонларнинг яна бири «Шири» массивидир. Бу манзилнинг муаллифи ҳам ҳурматли Президентимиз бўлди, дейишди ширинликлар.

Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2023 йил 6 июнь кўни Самарқандга ташрифи пайтида Зарафшон дарёси бўйида қуриладиган «Шири» массивининг мастер режа тақдироти билан танишиди ва шу кундан эътиборан ободлик ишлари қизиб кетди бу манзилда ҳам.

Кўрғонда 60 000 хонадонли 254 та уй-жой, 15 та мактаб, 17 та боғча, 5 та тиббиёт муассасаси, 5 та меҳмонхона ташкил этилмоқда.

Шунингдек, 19 та ишбилармонлик ва бизнес маркази, 36-52 қаватли иморатлар кўкка буйи чўзади.

Яна бир манзил узоқ йиллар эътибордан четда қолган Кўксарой тарихий шаҳарчаси эди. Бугун таниб бўлмас даражада чиroy очиб бораётган шаҳарчада 50 дан ортиқ уйлар, 16 та мультифункционал бинолар, соҳил бўйида 30 минг ўринли 2 та масжид, вертикал зоопарк, аквапарк, савдо маркази, эко-парк, очик ва ёпиқ сув ҳавзалари, спорт мажмуаси, ёшлар маркази, Мирзо Улуғбек илмий маркази, университет, монорельс, яъни, ерушти метроси бунёд этилаётди.

Бор-йўғи уч йилда қад ростлаган «Боқий шаҳар» эса қадим Ригистон ёқда Амир Темури мажмуалари каби тарих саҳифаларини мангу беза тургусидир. Боқиб тўймайсиз, боқиб яйрайсиз, таъзимлар қилгингиз келади бундай маҳобатли мажмуа яратувчиси бўлган истевод соҳиб-ю, кўли гул бунёдкорларга.

Қиёси йўк бу мажмуа ижодкори ҳам давлатимиз раҳбари экани барчага маълум. 2019 йилда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Самарқанд туманига қарашли эшқак эшиш канали бўйидаги 212 гектар майдонда мажмуа қуришга киришилди. Аввало, тажрибали меъмор ва муҳандислардан иборат халқаро жамоа жалб этилиб, пухта лойиҳа ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари бу ерга бир неча марта келиб, қурилишни миллий меъморчилик аънаналари ва одамларга қулайлик жиҳатидан такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Бунёдкорлик ишларида малакали курувчиларимиз билан бирга Туркия, Буюк Британия, Италия каби давлатларнинг етук мутахассислари ҳам иштирок этилди.

Пандемия давридаги йиқинчиликларга қарамай, қисқа вақтда қуриб битказилган мажмуанинг ҳар қари-чида опис тарих, «Буюк Ипак йўли» ва турли даврларга оид тарихий манзаралар акс эттирилган. Безакларда қадимий Афросиёб деворларида сақланиб қолган Сўғд давлати ҳукмдорининг Корея, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакат элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан фойдаланилган. Мажмуанинг қадимий бор зор қисмида мамлакатимизнинг барча худудларига хос 40 та хунарманчилик устaxonаси қурилган. Бу устaxonаларга келган сайёҳлар бутун Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилгандек бўлади. Ёғоч ўймакорлик усталари, кўлоллар, заргарлар, гилам тукувчиларнинг иш жараёнларини кўриб ҳайратга тушади.

Марказ таркибиде 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс холл, «Боқий шаҳар», амфитеатр ва яна кўплаб бошқа иншоотлар мавжуд. У йилига 2 миллион туристга хизмат кўрсатиши мумкин.

Мажмуадаги замонавий меҳмонхоналар ва Конгресс холл алақачон йирик анжуманлар ўтказиладиган манзилга айланди. 2022 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари учрашуви ўтказилди.

2023 йилда Бутунжаҳон туризм ташкилотининг Бош ассамблеяси саммити, ЕТББ бошқарувчиларининг йиллик йиғилишига ҳам Самарқанд мезбонлик қилди. Бундан ташқари, БМТ ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар форум ва анжуманлари ушбу мажмуада ўтказилди.

2025 йилда ЮНЕСКО Бош Ассамблеясининг 43-сессияси илк бор Париждан ташқарида – Самарқандда ўтказилади.

Самарқанд! Ер юзининг сайқали бўлган авлиё шаҳар.

Антик муаллифлар асарида Мароканда, Абу Райхон Беруний ва Махмуд Кошгарий китобларида «Семизкент» дейилган бу қадим шаҳар ўтмишда не-не воқеаларни бошидан ўтказмаган, дейсиз. Милоддан аввалги IV асрда Сўғд давлатининг, кейин сомонийлар давлатининг, ундан сўнг Амир Темури, шайбонийлар, 1925-1930 йилларда Ўзбекистонимизнинг пойтахти бўлган шаҳри азим. Искандар Мақдунли, Қутайба ибн Муслим, Чингизхон томонидан истило қилинган, сўнгра бир ярим аср давомида чор Россияси ва шўролар босқини...

Неча бор яқсон бўлиб, неча бор тилланган қахрамон шаҳар, қадди тоғ шаҳар, мўътабар шаҳар – бугун аҳолиси 4,5 миллионга етай деб қолган йирик вилоятнинг маъмурий маркази. 14 та туман, 2 та шаҳар, 1901 та кўшма, 1126 та маҳалла, 88 та шаҳарча мавжуд унинг кенг кучоғида.

Тарихий манбашунослар Самарқандни милоддан аввалги VI асрда ташкил топган десалар, мозийшунослар уни Вавилон, Фива, Афина, Рим каби улуг шаҳарлар билан тенгдош, дейдилар.

Соҳибқирон Амир Темури 1370 йили Самарқандни ўз салтанатининг пойтахти қилиб тиллаганда, мўғуллар талонидан кейинги афтодаҳол кентни қайта тиклашдан кўра, янги шаҳар бунёд этишни маъқул топади ва Афросиёб харобаларининг жанубий томонида янги шаҳар барпо этади.

Самарқандда бирин-кетин бир-биридан гўзал, бетакрор обидалар – жоме масжидлари, Кўксарой, Бўстонсарой, Амир Темури, Шоҳизинда каби мақбаралар бунёд этилади, шаҳар атрофида баҳаво, хушманзара 12 та боғ-сарой барпо қилинади.

Гарчанд 2007 йилда Самарқанднинг 2750 йиллиги кенг нишонланган бўлса-да, шаҳарнинг чин тарихи бу эмаслиги кўпчиликка маълум эди. Шу боис тарихни ўрганиш давом этди ва яқинда Самарқанд археология институти директори Мўминхон Саидов, Ўзбекистон – Франция қўшма экспедицияси аъзолари М.Исомиддинов, Клод Рапен ҳамда М.Ҳасанов томонидан аниқланган янги маълумотлар эълон қилинди. Олимлар Кўктепа ва Афросиёбда топилган материалларни қайта таҳлил қилиш орқали бундан уч минг йиллар олдин ҳам бу ерда йирик шаҳар бўлганини аниқладилар. Урганишлар ўша пайтлари бу манзил шаҳар ҳокимининг қароргоҳи, ибодатхона ва бошқа кўплаб маҳобатли иншоотларни ўз ичига олган йирик шаҳар бўлганини тасдиқлади. Бу ҳолат «Авесто»да тилга олинган «Гава Сунғуда» ва «Сўғд» тушунчалари билан уйғунлашиб кетадикли, буюм ҳозирча ҳаммаси эмас. 2001 йили ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси объектлари рўйхатига «Самарқанд – маданиятлар қорраҳаси» номи билан киритилиб, муҳофазатга олинган. Қадим кентнинг ўтмишига оид очилмаган сирлар қанчалиги ҳозирча ёлғиз Яратганининг ўзига аён...

Ер юзининг сайқали – Самарқанд узоқ тарихи, гўзал кўрку таровати баробарида ажиб аънаналарни ўз бағрида авайлаб-асраётгани билан ҳам хурматга сазовор. Мисол учун, трамвай ҳам бугун мамлакатимизнинг факатгина мана шу кентида мавжуд. Трамвай йўли давлат раҳбарининг 2017 йилда Самарқандга қилган ташрифидан сўнг амалга оширилди. Уша йили шаҳарнинг «Темирйўл вокзали – Сартепе массиви» йўналишида трамвай қатнови йўлга қўйилди. Кўп ўтмай «Темирйўл вокзали – Сиёб ёлғон бозори» орасида 2-йўналиш очилди. Келгусида шаҳар марказидан Кимёгарлар кўрғонига трамвайлар қатнайди-ган бўлади.

Айни пайтда шаҳарда Европа тиклиани ш тараққиёт банки лойиҳаси асосида олинган 100 та электробус аҳолига хизмат кўрсатмоқда. 2025-2026 йилларда яна 250 та шундай транспорт воситаси келтирилади ва шаҳар тўлиқ экологик тоза жамоат транспортга эга бўлади.

2022 йили шаҳарнинг Бўстонсарой ва Рудакий кўчалари кесиммасида туннель қурилиши катта-ю кичик ҳаммининг дунё-дунё кувончига сабаб бўлди. Чунки Бўстонсарой кўчасининг Сиёб канали устидан ўтган қисми анча паст бўлиб, ёнгарчилик пайтида транспорт ва пиёдалар учун ноқулайлик туғдирарди. Шу боис йўл 23

метрча кўтарилиб, эни 31 метр кенгайтирилди. Йўлнинг икки четига ҳимоя воситаси, шовқин камайтирувчи тўсиқлар ўрнатилди. Пиёдалар ва велосипед йўлақлари барпо этилди.

2024 йилда Абу Даби тараққиёт жамғармасининг 300 миллион долларлик кредит маблағи ҳисобидан Амир Темури ва Гагарин кўчаларида 10 километрдан ортиқ йўл реконструкция қилиниб кенгайтирилди, пиёдалар йўлақлари қурилди.

Гагарин ва Мирзо Улуғбек кўчалари кесиммасида умумий узунлиги 440 метр, иншоот узунлиги 44 метр бўлган туннель қурилди.

Айни пайтда Гагарин ва Рудакий кўчалари кесиммасида яна бир туннель қурилиши давом этмоқда.

Х а, шоирона ташбех билан ифодаласак, бугун Самарқандда «чаппар уриб гуллаган боғлар» кун сайин, соат сайин кўпайиб бормоқда. Ҳадис илмининг султони Имом Бухорий мажмуасининг тамомила янгидан бунёд этилаётгани, бу ерда Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази ҳамда Ҳадис илми мактабининг ташкил этилгани, мақбара майдони 600 квадрат метр, баландлиги 28 метр этиб кенгайтирилгани, 10 минг кишига мўлжалланган масжид бунёд этилгани, мажмуанинг тўрт бурчагидаги 75 метрлик миноралар унга илоҳий улғуворлик бағишлаб тургани кимни қувонтирмайди, дейсиз.

«Яқинда Мадина шаҳрида бўлганимизда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг сийратлари ва ислом цивилизацияси музейини кўрдик. Бу ерда ҳам шунга ўхшаш музей ташкил этсак, яхши бўлар эди. Унда Имом Бухорий бобомизнинг ҳаёти, илм йўли, ўша давр тарихи ахборот технологиялари орқали кўрсатилади. Булар ёшлар, чет эллик сайёҳларнинг яққол тасаввурида қолади. Музей халқимизга яна бир маънавий хазина бўлади», деган эди давлатимиз раҳбари.

Имом Бухорий мажмуаси чин маънода буюк маънавиятимизнинг муаззам устунларидан бирига айланиб бораётди.

Бундан ташқари, Ҳазрати Хизр мажмуасида қурилган Биринчи Президентимиз Ислам Каримов мақбараси, Университет хиёбонидаги Конфуций майдони, шаҳар кўчаларини обод қилиб турган кўприклар, туннеллар, меҳмонхоналар, бизнес марказлари, туманларда Хитой, Ҳиндистон, Япония, Жанубий Корея, Индонезия, Германия ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган қўшма корхоналар...

Самарқанд жамолини муфассал идрок этмоқ учун, яна айрим рақамларга мурожаат қилишга тўғри келади. Диққат қилинг, ўтган йили вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 99,9 триллион сўмга етди ва аввалги йилга нисбатан 6,9 фоизга ўсиб, 52,9 триллион сўмга кўпайди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, бу кўрсаткич 1,9 миллион сўмга ошди.

Саноат маҳсулотлари ҳажми 7,6, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 2,7, хизматлар ҳажми 14,1, қурилиш-пудрат ишлари 11,7 фоиз ўсди.

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ҳажми 2023 йилда 7,7 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилда 10,8 миллион сўмга етди.

Шунингдек, 25,2 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. 350,4 минг нафар аҳолининг бандлиги таъминланди.

Ишсизлик 6,6 фоиздан 5,4 фоизга камайди.

Ўтган йили 264 минг фуқаро меҳнат миграциясидан Самарқандга – аъиз хонадонига қайтиб келди.

373,8 километр умумфойдаланувдаги, 2343,1 километр ички, жами 2716,9 километр автомобиль йўллари таъмирланди.

Булари – 2024 йилга мансуб рақамлардан парчалар. Рақамлар эса ўз-ўзидан пайдо бўлмайдди. Ўзлаб, минглаб меҳнатқаш одамларнинг пешона тери, қалб қўри бор уларнинг жисми-жониде. Ҳатто, миллатнинг, мамлакатнинг қувва-ю ҳофизасини – бугун-ю эртасини рақамларсиз тасаввур қилиш қийин. Уйлаб-уйлаб жўяқ олсанг, уйнаб-уйнаб сўғорасан, от минсанг, олисини кўзла, дейишди шунинг учун ҳам машойиҳлар. Вилоят меҳнатқашларининг бу йилги марралари, айниқса, баланд. Улар ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 112,8 триллион сўмга, аҳоли жон бошига эса 25,9 миллион сўмга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 52,7 триллион сўмга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 61,6 триллион сўмга, бозор хизматларини 66,7 триллион сўмга, қурилиш-пудрат ишларини 16,6 триллион сўмга кўпайтиришга бел боғлаганлар.

Иил охиригача ишсизлик даражаси 4,8 фоизга камайиши, «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури доирасида камбағаллик даражасини 3,5 фоизга тушириш кўзда тутилган.

А жабо, мақола ҳажми каттагина бўлиб кетибди-ю, вилоятда амалга оширилаётган катта ишларнинг биронтаси ҳақида ёлғичиб ёзолмагандайман, ҳаммаси қолиб кетаётгандай.

Ваҳоланки, фақат Нуробод туманида бошланган юмушларнинг ўзи ҳар қандай одамнинг ақлини шоширади. 115 гектар майдонда 472 миллион долларлик маҳсул саноат зонаси ташкил этилишини бир тасаввур қилиб қўринг? Мазкур инвестиция лойиҳаси амалга ошгач, 1200 та янги иш ўрни яратилади. Ёки Қўшработ туманида хитойлик инвесторнинг 40 миллион долларлик сармояси ҳисобидан гранит тоши қазиб олиниб, қайта ишланиши, булунғурлик тадбиркор «in vitro» лаборатория ташкил этиб, картошка уруғи бўйича бренд яратишга киришгани ва шу туманда 100 миллион долларлик биофармацевтика корхонаси бунёд этиш ҳаракати бошланиб кетгани қабилар ҳазилакам ишлар эмас-да, ахир!

Каттакўрғонда, Нарпайда, Пахтачида, Пайариқда, Нурободда қилинаётган ишларнинг ҳам биронтасини тилга ололмадим. Сигмади, Сигмас экан битта мақолага. Кичкина ирмоққа сифдириб бўлмас экан азим дарёни.

Ҳали кўплаб мақолалар ёзилади, китоблар битилади, кинолар яратилади бу дарёи азим Ер юзининг сайқали – Самарқанд ва самарқандликлар ҳақида.

Қуйидаги мисралар ёзилажак асарларнинг ибтидоси бўлса не ажаб:

Қадимдан Ер юзининг сайқалидир Самарқанд,  
Улу Туркнинг мухташам ҳайкалидир Самарқанд.  
Вавилон, Афина, Румога тенг, дейдилар,  
Бу шохона кентларнинг сарваридир Самарқанд.  
Муқанна, Сарбадорлар шиддати бор шониде,  
Темурбек салтанатин афсаридир Самарқанд.  
Искандар, Қутайба-ю Чингиздан шўрогача,  
Алпларининг қасоскор ханжаридир Самарқанд.  
Хуррият қуёшида нурили чўғлариде яна,  
Бугун Эврилиларнинг меҳваридир Самарқанд.  
Ҳазрат Соҳибқирондек бордир азиз сиймоси,  
Азиз сиймо қалбининг жавҳаридир Самарқанд.  
Ром этгайдир кунма-кун юлдуз ниҳон самони,  
Илло, Еру самонинг гавҳаридир Самарқанд:  
Қадимдан Ер юзининг сайқалидир Самарқанд...

■ ТАЪТИЛ МАВСУМИ

Болаларни дам олдиришнинг учинчи босқичи ҳам поёнига етди. Бу йил вилоятдаги 13 та стационар, 57 та кундузги оромгоҳда вилоятимизда истикомат қилаётган 20 минг нафардан ортиқ болажонлар таътил кунларини мароқчи ўтказишлари режалаштирилган. Ҳозиргача уларнинг учдан икки қисми мазмунли ҳордиқ чиқаришди. Олдинда мавсумнинг энг масъулиятли 4-, 5-навбати турибди.

# МАСЪУЛИЯТ ИШИМИЗ МЕЗОНИГА АЙЛАНГАН

Айтиш лозимки, кейинги уч йилда оромгоҳлардаги шарт-шароитда ҳам, таътил мазмунида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Бунда таътил кунларини ташкил этишда танлов асосида саралаб олинган 100 нафардан ортиқ тажрибали тарбиячи ва етакчиларнинг хизматлари катта бўляпти. Тарбиявий, маданий-маърифий ишлар халқаро тажрибага асосланган ҳолда 12 кунлик дастур асосида ташкил этилмоқда.

Оромгоҳларнинг кундалик таркибига медиа, кароке, лево, кум, кубик-рубик ҳамда чет тилини ўрганиш клублари фаолиятининг кириб келиши катта янгилик бўлди. Болалар нафақат турли тўғарак ҳам машғулотларга жалб этилмоқда, балки улар онгига ўзини англаш ҳиссиёти синдириляпти. Шунингдек, жажжилар орасида анъана тусини олган «Кувноқ стартлар» қизқарли спорт эстафетаси, «Оромгоҳ хазинаси» интерфаол ўйини, «Она табиат менинг нигоҳимда» расм чизиш танлови, «Қайта ишлаш» кўрғазмаси, «Талант шоу» ёш иктидор эгалари кўрик-танлови, «Қизқарли театр» спектакллар намойишлари, «Машхурларга тақлид» мусиқий-бадий чиқишлари ташкил этиляпти. «Заковат» билмидонлар баҳси, «Табиат қўйнига саёҳат», «Шеърят кечаси» сингари турли маънавий-маърифий тадбирлар, «Соғлом бола – юрт келажи» шиори остидаги спорт мусобақалари, «Мустақиллик менинг тақдиримда», «Шу Ватанга бордир менинг керагим» шiorлари остидаги маданий-маърифий тадбирлар ҳам болажонлар маънавий олами шаклланишига туртки бўляпти.

Яқинда мавсумнинг ўтган фурсатини оромгоҳлар масъуллари билан таҳлил қилганимизда йўл қўйилган камчиликларга ҳам, ютуқларга ҳам рўй-роқ баҳо берилди. Эндиликда 4-, 5-навбатда дам олувчиларларга барча шароитларни яратиш пайида бўляпмиз.

**Феруза ҚИЛИЧЕВА,**  
Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи

# СОҒЛОМ УСТОЗ – СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯЧИСИ

«Бойлиқнинг боши – соғлиқ», дейди халқимиз. Чунки соғлом инсон ҳаётидан мамнун ва жисмонан фаол бўлади. Бунини ҳис қилиб яшаш учун соғлиқ ҳақида мунтазам қайғуриш, ҳам жисмонан, ҳам руҳан дам олиш муҳим.

Ўқувчиларни таътилга қузатиб, мен ҳам касабга уюшмаси йўлланмаси билан «Ситорай Моҳи-хоса» санаторийсига йўл олдим. Бу ердаги шарт-шароитлар, бетакрор табиат ва жонқуяр жамоа мени ҳайратга солди.

Санаторийда ҳар бир кун қатъий тартиб асосида ўтади. Тиббий кўрик натижаларига қараб белгиланадиган муолажалар соғлиқни тиклашда самарали бўлди. Малакали шифокорлар ва меҳрибон ҳамширалар ўз ишини масъулият билан бажаришди, ҳар бир беморга алоҳида ёндашув билан ёрдам беришди. Айниқса, кардиолог Фахриддин Каримов ва вертебролог-невролог Алишер Очилов каби мутахассисларнинг самимий маслаҳатлари, илиқ муомалалари ҳар қандай дори-дармондан яхши таъсир қилади. Балчиқ билан даволаш, туз гори, маржонли ванна, уқалаш муолажалари ҳам мутахассислар назоратида, белгиланган тартибда амалга ошириляпти.

Ошхонадаги мазали таомлар, шифобахш шарбатлар нафақат танани, балки руҳиятни ҳам соғломлаштиради. Мен янги ўқув йилини санаторийда олинган шифо, руҳий ва жисмоний тетиклик ҳисси, ўзгача куч-ғайрат, илҳом ва янги режалар билан қарши олишга шайман. Бундай имкониятни яратиб бераётган касабга уюшмаларининг фаолияти муваффақиятлар тилайман. Педагогларнинг меҳнатига эътибор, соғлиғига ғамхўрлик кўрсатаётган ҳар бир масъулга чин юракдан миннатдорчилик билдираман.

**Шоҳиста СУЛЕЙМОНОВА,**  
Бухоро шаҳридаги 42-ИДУМ ўқитувчиси

# ҲУЖЖАТЛАРГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

«Ishonch» газетасининг шу йилги сонидида чоп этилган «Ҳаётда тирик, ҳужжатда ўлик одамлар» сарлавҳали мақолани ўқиган айрим кишилар, ҳаётда бу каби муаммага умуман дуч келмаган бўлишса, «Муаллиф сал оширворибди, ҳужжатларни юритишда айрим имло-вий хатолар бўлиши мумкиндир, лекин тирик одам ўликлар рўйхатига кириб қолишига ишонич қийин», дейишлари мумкин.

Амалда эса, шунча ҳолатлар ҳам бўлиб туради. Фикрини исботлаш учун иккита воқеани келтириб ўтаман.

### БИРИНЧИ ВОҚЕА

Бундан 17–18 йилча аввал туман Мудофаа ишлари бўлимидан «Чақирув қоғози» келиб қолди. Унда «Собиқ СССР даврида берилган ҳарбий гувоҳнома»ларнинг ўзбекистоннинг янги ҳужжатларига алоқасиз қилинган муносабати билан тегишли ўлчамдаги 2 дона сурат, паспорт ва эски ҳарбий гувоҳномани олиб, Мудофаа бўлимининг фалон хонасига келиш сўралган эди.

Айтилган сурат ва ҳужжатларни олиб, идорага бордим. Паспортдан нусха, суратлар ва эски ҳарбий гувоҳномани олиб қолдиши. Янги сурат бўлганда хабар бериш учун телефон рақамини ёзиб олишди.

Орадан бир ойча ўтиб, гувоҳнома тайёр бўлганини, олиб кетишим мумкинлигини айтиб кўнгириқ қилишди. Бордим, гувоҳномани олдим ва яхшиям варақлаб кўрибман. Чунки унга «Сафарбарлик чақируви резервида хизмат ўтаган», оддий тилда айтганда, «бир ойлик хизматда бўлган», деб ёзиб қўйишган экан-да.

– Мен собиқ СССР пайтида Москва томонларда икки йил хизмат қилганман, у пайтлар «Сафарбарлик чақируви резерви», деган гаплар бўлмаган, буни

### 4 Ishonch



Бундан 17–18 йилча аввал туман Мудофаа ишлари бўлимидан «Чақирув қоғози» келиб қолди. Унда «Собиқ СССР даврида берилган ҳарбий гувоҳнома»ларнинг ўзбекистоннинг янги ҳужжатларига алоқасиз қилинган муносабати билан тегишли ўлчамдаги 2 дона сурат, паспорт ва эски ҳарбий гувоҳномани олиб, Мудофаа бўлимининг фалон хонасига келиш сўралган эди.

Айтилган сурат ва ҳужжатларни олиб, идорага бордим. Паспортдан нусха, суратлар ва эски ҳарбий гувоҳномани олиб қолдиши. Янги сурат бўлганда хабар бериш учун телефон рақамини ёзиб олишди.

Орадан бир ойча ўтиб, гувоҳнома тайёр бўлганини, олиб кетишим мумкинлигини айтиб кўнгириқ қилишди. Бордим, гувоҳномани олдим ва яхшиям варақлаб кўрибман. Чунки унга «Сафарбарлик чақируви резервида хизмат ўтаган», оддий тилда айтганда, «бир ойлик хизматда бўлган», деб ёзиб қўйишган экан-да.

АҚШнинг Коннектикут штатидаги Личфильд шаҳрида руҳоний оиласида туғилиб, саксон беш йил умр кечирган адиба Гарриэт Бичер-Стоу 1851 йили «Том тоғанинг қулбаси» номи асарини ёзиб тугатади. Асар дастлаб Вашингтондаги ҳафталик нашрда 10 ой давомида эълон қилинади. 1852 йилда китоб ҳолида чоп этилади.

# КИЧИК ХОНИМ БОШЛАГАН «КАТТА УРУШ»

Нашр қилинган, бир йил ичида китобнинг 300000 нусхаси АҚШда, 1000000 нусхаси эса Буюк Британияда сотилиди. Бу китоб XIX асрда Инжилдан кейин энг кўп сотилган китоб ҳисобланади.

Асар дунёнинг кўплаб тилларига ҳам ўғирилади. Россияда Николай Некрасов ташкил этган нуфузли журнал «Современник»да илк бор 1857 йилда рус тилида босилади. Аммо Николай пошшо Россиясида ушбу асарни тарқатиш ва ўқиш қатъиян тақиқланади. АҚШнинг жанубий штатларида ҳам шундай ҳолат жорий этилган. 1857 йили мерлендлик фуқаро бу китобни уйда сақлагани учун 10 йилга қамалган.

1853 йилдаёқ асар расмий Ватиканда тақиқланган адабиётлар рўйхатига киритилади. АҚШнинг 16-президенти Авраам Линкольн муаллиф билан учрашуви чоғида асар ҳақида шундай дейди: «Мана, катта урушни бошлаган кичик хоним!». Президент адибани эҳтиром билан қабул қилади ва унинг гоғларини кўллаб қувватлашни билдирди. 1861-1865 йилларда АҚШнинг шимолӣ ва жанубий штатлари ўртасида фуқаролар уруши бўлган. Унда шимолӣликлар саноат индустрияси ривожланиши тарафдори ўлароқ жангга кириш-

ганлар ва жанубдаги феодал қулдорлик тузуми мамлакат тараққиётига халал бераётганини даъво қилишган. Жанубликлар эса асрлар оша давом этиб келатган плантаторлик ва қулдорлик тузумини сақлаб қолиш мақсадида қўлларига қурол олишган. Урушда шимолӣ штатлар устунлик қилади ва қора танли қулларни озод этиш ҳақида (1863 йил январда) қонун қабул қилинишига эришадилар. 1864-1865 йилларда жанубликларнинг асосий кучлари тор-мор қилинади, 1865 йил апрелда қулдорлик ҳужм сурган штатлар пойтахти бўлмиш Ричмонд шаҳри эгалланади...

Ҳўш, бу урушларга америкалик адибанинг нима дахли бор? АҚШ президенти уни нега қабул қилган ва нима учун рағбатлантирган?...

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Нуриддин Ҳайдаров ижросида «ДАВЛАТИНГ БОРИДА» кўшиғи Шамсиддин Саодий шеъри

Давлатинг борида, авжинг зўрида, йўқлаб келар ҳатто бегоналар ҳам. Давлатинг йўғида, бахтинг шурида, Саломинг олмайди девоналар ҳам.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSENIYEV (Mas'ul kotib - «Ishonch-Доверие») Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43, Marketing va obuna - (71) 256-87-73. Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31, Navoiy viloyati - (+998-99) 500-05-12, Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati - (+998-93) 213-09-66, Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati - (+998-90) 379-19-70, Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati - (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Abdunabi HAYDAROV. Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch.1991@yandex.uz. Bahosi kelishilgan narxda: Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV. Boshqaruvchi: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Ulumida XUDOYBERGANOVA. Boshqaruvchi: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Ulumida XUDOYBERGANOVA. Boshqaruvchi: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Ulumida XUDOYBERGANOVA.

Umumiy adadi 32 076 ta. Shundan: 6 079 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 18 116 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 881 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-811 1 2 3 4 5 6

### МУНОСАБАТ

эди. Бирорта ақлли «Бу қалбаки ҳарбий гувоҳномани ким тайёрлаб берди?» деб қолса, бошимни қайси деворга урардим?..

### ИККИНЧИ ВОҚЕА

Бир ҳамкасб танишимиз зарурат билан солиқ идорасига боради. У ерда электрон базадан маълумотларни текшираётган ҳодим: – Сурхондарёда ҳам икки нафар фарзандингиз бор экан-а? – дейди. Дўстимиз хайрон бўлиб, уч фарзанди борлигини, ҳаммаси Тошкентда туғилганини ва шу ерда рўйхатдан ўтганини айтади. – Балки биринчи турмушингиздандир, – дейди солиқ идораси ҳодими жиддий оҳангда. – Ўзи бир марта уйланганман, биринчи-иккинчи, деган гап йўқ... Хуллас, солиқчи ака дўстимизга ФХДё бўлимига бориб масалага аниқлик киритиш кераклигини айтади. У икки-уч марта ФХДё бўлимига қатнайди ва Сурхондарёнинг қайсидир туманида яшовчи, ўзи билан айнан бир хил исм-фамилияли одамнинг икки фарзанди базада бу ёққа ўтиб қолгани аниқланади.

– Яхшиям, муаммони шу ернинг ўзида, Сурхондарё билан телефон орқали боғланиб ҳал қилишнинг имкони бўлди, – дейди дўстимиз. – Агар Сурхондарёга боришга тўғри келганида борми, узоқ йўл, югур-югур билан анча овора бўлардим... Мана, ҳужжатлардаги хатоликларга боғлиқ иккита воқеа билан танишдингиз. Хулоса ўзингиздан. Асосийси, ҳар хил ҳужжатларга ўқимасдан имзо чекиш, шахсий маълумотлар ёки ҳар хил гувоҳномаларни берилган вақти ва жойида кўздан кечириб олмасдан, чўнтакка солиб кетишдек одатимиздан воз кечишимиз керак. Шунда кейинчалик юзага келиши мумкин бўлган оворাগарчилик ва югур-югурларнинг олдини оламиз.

Дармон ИБРОҲИМОВ «ISHONCH»

### МУТОЛАА

Адибанинг бу асари бепоен қўтғаларда инсонларнинг қалбини уйғотди. Қора танли қулларнинг занг босган хотирасига инсон эканини, улар ҳам бошқалар қатори яшаш мумкинлигини қайтарди. Руҳи уйғонган одамлар қаддини кўтариб, ҳақ-хуқуқи учун курашга киришди. Қора танлилар учун бу роман улкан инқилобга куч берди. Инсоният тарихида муҳим ўринга эга адабий қаҳрамонлар тилга олинган «101 та мавжуд бўлмаган нуфузли шахс» номи китобдаги рўйхатда Том амаки 11-ўринни эгаллаган (2006 йил, АҚШ).

Рухоний тили билан айтилган «Қабрида ҳаммамиз эркин ва тенгмиз» деган сўзлари асарнинг бош ғояси каби эшитилади. XX аср Америка адабиётида афро-америкаликлар ҳаётига бағишланган юзлаб катта-кичик асарларнинг дояси Гарриэт Бичер-Стоуннинг романи бўлди. Қора танлилар ҳақидаги қотиб қолган тасавурларни тамоман ўзгартирган бу асар адабиётга янги қаҳрамонлар бергани билан ҳам қимматлидир.

Буғун ажойиб замонада яшаймиз. Бизни қуршаб олган электрон кесилувлар, интернет тўрлари хуружда биз барибир китобдан анча олислаб кетяпмиз. Аммо унутиб қўяётганимиз бир ҳақиқат бор: тарққиётнинг барча қадамлари замирида, замонавий D форматдаги барча эврилтишлар асосида инсон тафаккури маъжуд. Бу тафаккур ўзига керакли қувватни китобдан, айнан китобдан олади. Бамисоли барча атом, гидр ва шамол электр манбалари ҳамма кучни қуёшдан олгани каби. Шу боис, китоб деб аталмиш мўъжазага ҳечам бепарво бўлмайлик!

Шодмонқул САЛОМ



# ҚОН ТОПШИРИНГ – УМРИНГИЗНИ УЗАЙТИРИНГ!

Ҳар кунни дунё бўйлаб минглаб беморлар қон ва унинг таркибий қисмларига муҳтож бўлишади. Шу боис бизнинг мамлакатимизда ҳам қон донорлигини ривожлантириш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар ойнинг иккинчи ҳафтаси «Донорлар ҳафталиги» деб эълон қилинган бу ҳаракатлар кўлами янада кенгайишига хизмат қилмоқда.

Маълумки, 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган, вазни 50 килограммдан ортиқ соғлом инсон қон донори бўлиши мумкин. Бунда инсоннинг ирки, жинси ёки касби муҳим эмас. Бироқ ОИТС, ОИВ, вирусли гепатитлар, сил, юрак, жигар, ўпка ва буйрак етишмовчилиги каби касалликлар билан оғирланган донор бўла олмайдилар. Эътиборли томони шундаки, донор беморга ёрдам бериш баҳонасида ўз соғлигини ҳам тиклайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, мунтазам қон топирадиганлар бошқаларга нисбатан ўртача 5 йил кўпроқ умр кўришади.

Мамлакатимизда бундай хайрли ишларга бош қўшадиганлар сони кўпчиликни ташкил этади. Масалан, марказимизга ҳар кун 150 дан зиёд фуқаро донорлик қилиш ниятида мурожаат қилади. Тиббий кўрик натижалари асосида 70-80 нафарига қон топириш учун рухсат берилади. 2023 йилдан эътиборан вилоятимизда сайёр қон топириш маркази – махсус жиҳозланган автобус фаолияти йўлга қўйилди. Унда бир вақтнинг ўзида 3 нафар донордан қон олиш имкони мавжуд.

Инобат ДҲҲДИЕВА, Хоразм вилояти қон қуйиш маркази касаб ва уюшмаси кўмитаси раиси

«ELEKTRON REALTOR» МЧЖ тўғридан-тўғри музокарилар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога таклиф этади! Савдога «O'szanoatqirishbank» АТВ билан тузилган 2025 йил 18 июндаги №18-2025ER сонли шартномага асосан «O'szanoatqirishbank» АТВ балансида бўлган (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142 сонли қарорига асосан) қуйидаги мулк чиқарилмоқда: Юнусобод тумани, «Туркистон» МФЙ, Мойкўрғон кўчаси, 276-277-уйда жойлашган ҳовли-жой. Бошлангич баҳоси: 6 435,8 миллион сўм. Савдога қўйилган мулк билан бевосита жойига кичик танишиш мумкин. Савдода иштирок этиш учун талабгорлар e-rieltor.uz платформаси орқали ариза беришлари мумкин. Телефон: +99855-517-22-20. Расмий сайтимиз: www.e-rieltor.uz

Жуманиёзова Нодира Ибрагимовна (1974 йилда туғилган)га Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси зоология институтида биология фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгани бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2005 йил 24 февралдаги 112/1-сонли қарори билан берилган 01№ 008561 рақамли биология фанлари номзоди дипломи йўқолгани муносабати билан бекор қилинади.

Янгийўл шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл шаҳар, Файзобод маҳалласи, Улугбек кўчаси, 18-уй учун Алимжанов Хусанбой (марҳум) номига берилган уйнинг кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

06.11.2023 йилда Артиков Тўлқинжон Мамаджанович номига берилган хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи №04-02/21719 рақамли давлат ордери йўқолгани сабабли бекор қилинади.